

**«ЎзРТХБ» ОАЖ**  
**Акциядорларининг умумий**  
**йиғилиши томонидан**  
**«Тасдиқланган»**  
**Баённома № \_\_\_\_\_ « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2014 й.**

**«ЎзРТХБ» ОАЖ**  
**тафтиш комиссияси тўғрисидаги**  
**НИЗОМ**  
**(янги тахрир)**

**Тошкент ш. 2014 й.**

## **1. Умумий қоидалар**

1.1. Мазкур низоми “ЎзРТХБ” ОАЖнинг тафтиш комиссияси ва унинг аъзоларининг мақоми, таркиби, ҳуқуқлари, ваколатлари, уларнинг иш тартиби ва Биржанинг бошқа бошқарув органлари билан ўзаро таъсирини белгилайди.

1.2. Низоми Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни ва Биржа Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Тафтиш комиссияси жамият, унинг бошқарув органлари, бўлинмалари ва филиалларининг фаолияти устидан ички молиявий-хўжалик назорати функцияларини амалга оширувчи жамиятнинг доимий сайлов органи ҳисобланади.

1.4. Ўз фаолиятида тафтиш комиссияси Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, жамият Устави, мазкур Низоми, акциядорлар ва Кузатув кенгашининг Умумий йиғилиши қарорларига амал қилади.

## **2. Тафтиш комиссиясига номзодларни кўрсатиш**

2.1. Биржанинг ҳаммаси бўлиб овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акцияларининг камида 1%нинг эгалари ҳисобланган Биржа акциядорлари (акциядор) Уставда белгиланган муддатда акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида тафтиш комиссиясига сайлаш учун номзодларни кўрсатиш ҳуқуқига эга.

Номзодлар сони битта талабномада тафтиш комиссиясининг миқдорий таркибидан ошиб кетиши мумкин эмас.

2.2. Номзодларни кўрсатиш учун талабнома таклиф киритаётган акциядор (акциядорлар)нинг исми, унга тегишли акцияларнинг сони ва турини кўрсатган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

2.3. Биржанинг тафтиш комиссиясига номзодларни кўрсатиш учун талабномада, жумладан ўзининг номзодини кўрсатиш ҳолатида қуйидагилар кўрсатилади:

- номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод Биржа акциядори ҳисобланса),

- номзод кўрсатаётган акциядорнинг фамилияси, исми, отасининг исми (номи), унга тегишли акцияларнинг сони ва тури.

2.4. Кузатув кенгаши келиб тушадиган талабномаларни кўриб чиқиши ва кўрсатилган номзодларни тафтиш комиссиясига сайлаш бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритиш ёки кўрсатилган рўйхатга киритишни рад этиш тўғрисида қарорни таклифларни бериш учун Уставда белгиланган муддат тугашидан кейин камида 10 кунда қабул қилиши лозим.

2.5. Кузатув кенгаши тафтиш комиссиясига сайлаш бўйича овоз бериш учун кўрсатилган номзодларни номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш ҳуқуқига эга, агарда:

- акциядор (акциядорлар) талабномалар бериш учун жамият Уставида белгиланган муддатга амал қилмаган бўлса;

- акциядор (акциядорлар) Биржанинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акцияларнинг Уставда белгиланган миқдорининг эгаси ҳисобланмаса;

- номзодлар ҳақидаги маълумотлар тўлиқ бўлмаса.

2.6. Кузатув кенгашининг тафтиш комиссиясига сайлаш бўйича овоз бериш учун кўрсатилган номзодларни номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асосланган қарори таклиф киритган акциядорга (акциядорлар) уни қабул қилган кундан камида 3 иш кунда жўнатилади.

Ушбу қарордан норози бўлиб судга шикоят аризаси берилиши мумкин.

2.7. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзиде Кузатув кенгашининг аъзолари бўлиши ва ҳамда Биржанинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллаши мумкин эмас.

### **3. Тафтиш комиссиясининг сайловлари**

3.1. Тафтиш комиссиясининг аъзолари акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида ҳар йили **учта** одам миқдоридан сайланади.

Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир неча бор қайта сайланишлари мумкин.

Меҳнат коллективининг аъзолари тафтиш комиссиясининг аъзоларига сайланиши мумкин эмас.

3.2. Тафтиш комиссиясининг аъзоси агар йиғилишда иштирок этаётган кўпчилик акциядорлар унга овоз берган бўлса, сайланган ҳисобланади.

3.3. Тафтиш комиссиясининг ваколатлари Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан муддатидан олдин тугатилиши мумкин.

3.4. Агар унга берилган ваколатларнинг амал қилиш муддати давомида тафтиш комиссиясининг аъзоси ўз вазифаларини бажаришни тугатса, у бу ҳақида комиссия раиси ва Кузатув кенгашини тафтиш комиссиясида ўз ишини тугатишдан бир ой олдин хабар бериши лозим. Бундай ҳолатда акциядорлар йиғилиши ўзининг энг яқин йиғилишида тафтиш комиссиясининг аъзосини алмаштиради.

Тафтиш комиссияси аъзосининг ваколатлари қуйидаги ҳолатларда муддатидан олдин тугатилиши мумкин:

- мажбуриятларни бажаришнинг жисмонан имконсизлиги (ўлим, бедарак йўқолган деб тан олинishi, вафот этган деб эълон қилиниши);

- тафтиш комиссиясининг аъзосини Кузатув кенгаши ёки жамиятнинг бошқа бошқарув органларининг аъзоларига сайлаш;

- ўз вазифаларини назар-писанд қилмаслик, жумладан: комиссия раисининг кўрсатмаларини бажармаслик ёки тафтиш комиссиясининг йиғилишига икки мартадан кўп келмаслик.

Тафтиш комиссияси аъзосининг ваколатларини муддатидан олдин тугатишда комиссия раиси ёки у бўлмаса, унинг аъзоларидан исталган бири бу ҳақида Кузатув кенгашини хабардор қилиши лозим.

Жамиятнинг тафтишчиси ёки тафтиш комиссияси аъзоларига малакавий талаблар акциядорлар умумий йиғилиши билан белгиланади. Бир ва худди ўша шахс бир ва ўша жамиятнинг тафтиш комиссияси (тафтишчи) таркибига кетма-кет 3 мартадан ошиқ сайланиши мумкин эмас.

### **4. Тафтиш комиссиясининг ҳуқуқлари**

4.1. Тафтиш комиссияси жамиятнинг молиявий ва хўжалик фаолиятини текшириш ва назоратини амалга оширади.

4.2. Биржанинг молиявий ва хўжалик фаолиятини текшириш Тафтиш комиссияси, Акциядорлар умумий йиғилиши, Кузатув кенгашининг ташаббусига биноан ёки Биржанинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядорнинг камида беш фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорлар) талабига мувофиқ Биржанинг Кузатув кенгашини олдиндан хабар бериш йўли билан йил ёки бошқа муддат якунлари бўйича амалга оширилади.

4.3. Биржанинг молиявий ва хўжалик фаолиятини йил якунлари бўйича текшириш тўлиқ бўлиши лозим. Молиявий йил давомида амалга ошириладиган текширишлар қисман (танлаб) бўлиши мумкин.

4.4. Тафтиш комиссияси Биржанинг хўжалик ва молиявий фаолиятини омилларга ва ҳужжатларга асосланиб назорат қилишни амалга оширади.

Ҳужжатларга асосланиб назорат қилиш дастлабки ҳужжатларнинг маълумотлари, ҳисоб қайдлари ва ҳисоботлар бўйича молиявий ва хўжалик фаолиятини текширишни ўз ичига олади.

Фактларга асосланиб назорат қилиш қуйидагиларни ўз ичига олади, жумладан:

4.4.1. Корхонага келиб тушадиган моддий бойликларнинг мавжудлигини текшириш.

4.4.2. Моддий бойликларнинг инвентаризациясида иштирок этиш.

4.4.3. Тафтиш қилинадиган операцияларни текшириш ва пул, товар-моддий ва аосий воситаларнинг сақлаш жойини кўриб чиқиш.

4.5. Ўз вазифаларини бажаришда тафтиш комиссияси ва унинг аъзолари қуйидаги иш турларини амалга оширади:

- жамиятнинг молиявий хужжатлари, мулкни инвентарлаш бўйича комиссиянинг хулосаларини текшириш, кўрсатилган хужжатларнинг дастлабки бухгалтерия ҳисобининг маълумотлари билан солиштириш;

- жамият номидан тузилган шартномалар, амалга оширилган битимлар, контрагентлар билан ҳисоб-китобларнинг қонунийлигини текшириш;

- амалдаги норматив қонунларнинг бухгалтерия ва статистик ҳисобларини юритишнинг мувофиқлигини таҳлил қилиш;

- молиявий-хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолиятида белгиланган нормативлар, қоидалар, ГОСТ, ТУ ва х.к.га амал қилинишини текшириш;

- Биржанинг молиявий қоидалари, унинг тўлашга қодирлиги, активларнинг ўтиши, шахсий ва қарзга олинган воситаларнинг ўзаро муносабатларини таҳлил қилиш, корхонанинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш резервларини аниқлаш ва бошқарув органлари учун жамият томонидан тавсияларни ишлаб чиқариш;

- таъминотчиларга маҳсулотлар ва хизматларнинг тўловлари, бюджетга тўловлар, дивидендлар тўловлари ва устамалар, облигациялар бўйича фоизлар, бошқа мажбуриятларни қайтаришни ўз вақтидалиги ва тўғрилигини текшириш;

- жамият баланслари, солиқ инспекцияси, статистика идоралари, давлат бошқарув органлари учун ҳисобот хужжатларини тузишнинг тўғрилигини текшириш;

- Кузатув кенгаши ва Бошқарма томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонуний ҳуқуққа эгаллигини, уларнинг жамият Уставига ва акциядорларнинг йиғилиш қарорларига мувофиқлигини текшириш;

- акциядорлар йиғилишининг қарорларини таҳлил қилиш, қонунлар ва норматив актларга тўғри келмаса, уларни ўзгартириш бўйича таклифлар киритиш.

4.6. Тафтиш комиссиясининг текширув натижалари бўйича акт тузилади, актда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим: аниқланган бузилишлар, аниқ фактлар ва белгиланган шахсларнинг ҳаракатлари, дастлабки ва ҳисоб хужжатларига ҳаволалар, ошкор қилинган камчиликлар, бузилишлар ва суистеъмолликларнинг сабаблари. Актга жамият ходимлари, жумладан мансабдор шахсларнинг тушунтиришлари илова қилинган бўлиши лозим.

4.7. Жамиятнинг молиявий ва хўжалик фаолиятини текшириш яқунлари бўйича Тафтиш комиссияси хулоса тузишади, хулоса қуйидагиларни ўз ичига олади:

- жамият ҳисоботлари ва бошқа молиявий хужжатлар маълумотларининг ҳақиқийлигини баҳолаш;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби, шунингдек молиявий ва хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонунларнинг бузилиши фактлари тўғрисида маълумотлар.

4.8. Тафтиш комиссияси жамият Кузатув кенгашининг йиғилишига ҳар чоракда аффилирланган шахслар билан битимлар ёки жамиятдаги йирик битимларнинг мавжудлиги, ҳамда бундай битимларни амалга оширишда қонун талаблари ва жамиятнинг ички хужжатларига амал қилиниши тўғрисида хулосани киритишади.

## **5. Тафтиш комиссияси ва аъзоларининг ҳуқуқ ва ваколатлари.**

5.1. Текширувларни олиб боришда Тафтиш комиссиясининг аъзолари текширувга тегишли бўлган барча хужжатлар ва материалларни тегишли тартибда ўрганиб чиқишлари ва амалга оширилган тафтишлар ва бошқарув органлари йиғилишларида ёзма ҳисоботлар, маъруза қайдлари, хабарлар шаклидаги текширувлар натижаларини акциядорлар йиғилиши, Кузатув кенгаши, Бошқармага ўз вақтида хабардор қилиши лозим.

Нотўғри хулосалар учун тафтиш комиссияси аъзолари қонунга мувофиқ жавоб беришади.

5.2. Тафтиш комиссияси ва аъзолари ўз вазифаларини тегишли тартибда амалга ошириш мақсадида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Биржа бошқарув органлари, унинг бўлинма ва хизмат раҳбарлари ёки бошқа мансабдор шахсларидан, тафтиш комиссиясининг иши учун зарур бўлган, ўрганилиши тафтиш комиссияси вазифа ва ваколатларига мос келадиган барча талаб қилинган материалларни олиш. Кўрсатилган ҳужжатлар тафтиш комиссиясига талаб берилгандан кейин бир кундан кечиктирмай тақдим этилиши керак;

- Моддий бойликлар саноғи ва ҳисобдан чиқарилишини амалга оширувчи комиссияларда, Бошқарув ва кузатув кенгаши мажлисларида маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этиш;

- Биржа бошқарув органларига берилган ваколатлар доирасига киритилган масалаларни ҳал қилишни талаб қилувчи ишлаб чиқариш-хўжалик, молиявий ва ҳуқуқий фаолиятини бузилиши ҳамда Биржа манфаатларига зиён етказиш ҳолатлари аниқланганда Кузатув кенгашининг ваколатли шахсларидан унинг мажлислари, акциядорлар мажлисларини ўтказишни талаб қилиш;

- Биржа ишлаб чиқариш-хўжалик, молиявий ва ҳуқуқий фаолиятининг бузилиши ҳамда Биржа манфаатларига зиён етказиш ҳолатлари аниқланганда акциядорлар мажлисларини чақириш;

- тафтиш комиссияси ваколатлари доирасига кирувчи масалалар юзасидан ишчи-ҳодимлар ва барча мансабдор шахслардан шахсий тушунтиришлар талаб қилиш;

- шартнома асосида, ўз ишига жамиятда штат бўйича лавозим эгалламаган мутахассисларни жалб қилиш;

- Биржа бошқарув органлари, унинг бўлинма ва хизматлари олдига, Биржа ишчилари, шу жумладан мансабдор шахсларининг Биржада қабул қилинган қоида, низом ва йўриқномалар бузилганда, ҳамда мансабдор шахслар томонидан йўл қўйилган лавозим бурчларини суъистеъмол қилиш ҳолатлари учун жавобгарлик масалаларини қўйиш.

## **6. Тафтиш комиссиясининг иш тартиби.**

6.1. Тафтиш комиссияси ўз таркибидан комиссия аъзоларининг умумий сонидан кўпчилик овоз билан раис ва котибни сайлайди.

6.2. Комиссия раиси йиғилишни чақиради ва олиб боради; тафтиш комиссиясининг жорий ишларини ташкил этади; уни Бошқарма, Кузатув кенгаши, акциядорлар йиғилиши олдида намоён қилади; унинг номидан бериладиган ҳужжатларни имзолайди.

Тафтиш комиссиясининг котиби йиғилиш баённомалари, акт адресатларигача олиб бориш ва тафтиш комиссияси хулосаларини юритишни ташкил этади.

6.3. Тафтиш комиссияси зарур бўлганда, ҳамда текширув бошланишидан олдин ва унинг натижалари бўйича йиғилишларни ўтказиши.

Агар тафтиш комиссиясидан зудлик билан қарор чиқаришни талаб қилувчи қоидабузарликлар аниқланса, тафтиш комиссиясининг аъзоси шошилинч йиғилишни чақиришни талаб қилиши мумкин.

Агар тафтиш комиссиясининг йиғилишлари ташкил этилмаса, чақиришни талаб қилган комиссия аъзоси бу ҳақида Биржа Кузатув кенгашига хабар бериши лозим.

6.4. Тафтиш комиссиясининг барча йиғилишлари очик шаклда ўтказилади.

Тафтиш комиссиясининг йиғилиши агар унда комиссиянинг сайлаб олинган аъзоларининг сонидан камида ярими иштирок этса, қонуний ҳуқуқга эга ҳисобланади.

6.5. Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Тафтиш комиссиясининг қабул қилинган қарорлари, актлари ва хулосалари комиссия аъзоларининг номма-ном овоз бериш йўли билан кўпчилик овоз билан тасдиқланади.

6.6. Қабул қилинган қарорга рози бўлмаган комиссия аъзоси алоҳида фикрини ёзма шаклда ифодалаш ва Биржанинг бошқарув органларига етказиш ҳуқуқига эга. Тафтиш

комиссияси аъзосининг алоҳида фикри комиссия йиғилиши баённомасида қайд қилинган бўлиши лозим.

6.7. Тафтиш комиссияси йиғилишининг баённомаси тузилади.

Баённомада қуйидагилар кўрсатилади:

- йиғилиш санаси, вақти ва ўтказиш жойи;

- йиғилишда иштирок этувчи шахслар;

- йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар, ва улар бўйича номма-ном овоз бериш яқунлари;

- қабул қилинган қарорлар.

Баённома уни тўғри тузиш учун жавобгар ҳисобланган йиғилиш раиси томонидан имзоланади.

Тафтиш комиссияси аъзоларининг алоҳида фикрлари баённомага илова қилинади.